

Ўзбек Болалар Адабиётида Фольклор Жанрлари Стилизацияси

Раъно Ражабова Зариповна
Бухор одавлату ниверситети

АННОТАЦИЯ:

Мақолада ўзбек болалар адабиётида ўзбек фольклорининг эртак, алла, тез айтиш, топишмоқ сингари жанрлари энг кўп стилизация қилинганлиги кузатилади. Уларнинг бадиий шакли ва ифода услуби, образ ва мотивларидан ҳар бир ижодкор индивидуал тарзда ўзига хос маҳорат билан фойдаланиб, бетакрор стилизацион фольклоризмлар яратганлиги тўғрисидаги фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: фольклор, фольклоризм, стилизация, эртак, топишмоқ, тез айтиш, алла.

Кириш. XX асрга келиб, фольклор ва ёзма адабиёт муносабатининг янги погонага кўтарилишлари болалар адабиётида ҳалқ эртак, алла, топишмоқларининг маълум ёзувчи ва шоирлар томонидан замонага мос slab қайта ишланиши, яъни стилизация қилинишида ҳам намоён бўлди. Шу тариқа фольклорга алоқадор бу жанрлар ёзма адабий жанрларга ҳам айлантирилиб, шаклан ва мазмунан замонавийлаштирилган болаларбоп эртак, топишмоқ ва аллаларнинг муаллифли матнлари пайдо бўлди.

Катталар адабиётидан кўра болалар адабиётида фольклор жанрлари, образ ва мотивларига мурожаат янада кўпроқ кузатилади. Хусусан, болалар фольклорига алоқадор алла, эркалама, хукмлабич, шунингдек, ҳам катталар, ҳам болалар фольклорига тегишли эртак, топишмоқ, тез айтиш сингари жанрларнинг шакли, ифода услуби, образ ва мотивларига айrim ижодкорлар қайта ишлов бериши натижасида стилизацион фольклоризм кўринишлари пайдо бўлади.

Асосий қисм. Фольклор ва ёзма болалар адабиёти муносабатларининг чуқурлашиш жараёни икки томонлама юз берган:

1. Болалар учун ижод этиш анъанаси ҳали ёзув бўлмаган қадимги замонлардаёқ оналар аллалари, эркаламалар, овутмачоқлар, шунингдек, ҳалқ эртаклари, топишмоқлар, тез айтишлар, тақвимий ва майший қўшиқлар, бутун бир тизим тарзида намоён бўлувчи ўйинлар шаклларида фольклор бағрида юзага келган эди. Бинобарин, болалар учун ижод этиш ҳалқ педагогикаси ва этнографияси ақидаларига тўйинтирилган қадимий анъана бўлиб, унинг ижодий андазаси болаларга мўлжалланган ихтисослашган бадиий ёзма адабиётнинг вужудга келишини таъминлаган омил бўлди. Бу фольклор ва ёзма адабиёт орасидаги генетик (бевосита) алоқа натижаси эди.



SCIENCE BOX

SYNERGY: JOURNAL OF ETHICS AND GOVERNANCE

Volume: 01 Issue: 06 / 2021

ISSN: 2181-2616

2. Фольклор ва ёзма адабиёт орасидаги билвосита алоқа эса болалар адабиётида фольклоризмларнинг хилма-хил кўринишларини юзага келтирди ва болалар адабиётининг миллийлигини, халқчилашувини, ғоявий-бадиий баркамоллашувини, қизиқарлилиги ва табиий соддалигини таъминлади. Шу тариқа ўзбек болалар адабиёти ҳам фольклорга таянган ҳолда шаклланиб, бадиий такомиллашиб борди.

Ўтган асрнинг 2-ярмидан эътиборан эса болалар адабиёти вакилларининг фольклорга ижодий муносабати янада чуқурлаша боради. Хусусан, насрий адабий эртак жанрида Т.Ғойибов, П.Муҳаммадёрова, Азиз Абдураззоқ, М.Муродов, А.Ирисов, Й.Шукуров, Й.Саъдуллаева, С.Фафуров, Раим Фарҳодий ва Р.Толибовлар изланган бўлсалар, Анвар Обиджон «Олтин юракли автобола»(1988), «Даҳшатли Мешполвон» (1989) эртак-қиссаларини яратиб, жанр стилизациясида янгича талқинни юзага келтирди.

Фольклоршунос Б.Саримсоқов стилизация характеристидаги фольклоризмларни иккига бўлади:

1. Ижобий характердаги стилизация асосида юзага келган фольклоризмлар. Бу типдаги фольклоризмлар, асосан, фольклор материалларининг ҳам ғоявий, ҳам мазмуний жиҳатларига таянган ҳолда уларни янги шаклда қайтадан ишлов бериш туфайли юзага келади. Фольклор асарларидағи ўлмас ғояларни халқ оммасига янада кенгроқ ёйиш, улар орқали халқнинг ахлоқий, эстетик талабларини тўлароқ қондириш эҳтиёжи, ижодкорнинг шахсий майли ва услуби талаблари асосида ижобий характердаги стилизация фольклоризмлари яратилади.

Бу соҳада жаҳон болалар адабиётининг илғор намояндалари ижодий тажрибаларидан ўрганиш ҳам ўзбек болалар ёзувчилари учун ўзига хос мактаб вазифасини бажарди.

Тез айтишлар болалар фольклорида маънавий ўйин турларидан бири бўлиб, кичкинтойлар адабиётида кўп стилизация қилинган жанрлардан ҳисобланади. Сабаби шуки, болалар нутқини ўстиришда, тилида талаффуз билан боғлиқ камчиликлар, дудуқланиш ҳолатлари бўлса, уларни тўғрилаш ва бартараф қилишда, ақлий ўткирлик ва сезирликни тарбиялашда тез айтиш ўйинининг аҳамияти катта. Худди шу маънода улардан ўқитувчилар дарс жараённида ҳам фойдаланиб келаётганларини алоҳида таъкидлаш жоиз¹. Аслида азалдан мана шундай тарбиявий мақсадларда халқ орасида кўплаб тез айтишлар яратилган. Бу жараён ёзма ижодга ҳам кўчган. Ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб бу борада фаолият юритган шоир Куддус Муҳаммадий бўлиб, у тилни бурро қилувчи халқ тез айтишларининг шакли ва ритмидан ижодий фойдаланиб, адабий тез айтиш жанрини стилизация асосида шакллантириди. Шоир ўзининг гуллар бадиий тавсифига бағишиланган «Уртўқмоқгул» шеърий тез айтишида болаларга шу номдаги гулни таниширишдан ташқари, унинг номидаги «Р», «Л», «Қ» товушларини тўғри талаффуз қилишга ўргатишни кўзда тутган². Чунки ёш болалар кўпинча бу товушларни, яна шунга ўхшаш и, ч, с, ғ каби нутқ товушларини тўғри талаффуз қилишда қийинчилик сезиб, гоҳида кулгига ҳам

¹. Абдуллаева Қ. Нутқ ўстириш. Бошлангич синф ўқитувчилари учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 118 б.

². Ирисхўжаева С. Шоир ва мураббий. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – Б.27.



SCIENCE BOX

SYNERGY: JOURNAL OF ETHICS AND GOVERNANCE

Volume: 01 Issue: 06 / 2021

ISSN: 2181-2616

қолишади. «Шоир шу ҳолатни чүкүр хис этганидан бу товушлар фаол қатнашадиган «уртўқмоқгул» сўзларига оҳангдошлиқ ҳосил қиласидиган сўз ва ибораларданфойдаланиб, риторик сўроқ ва поэтик инкор санъатлари воситасида шеърий тез айтишнинг равон ва ўйноқи намунасини тўқиган»³.

О.Сафаров томонидан «Уртўқмоқгул» шеърий топишмоғида «Р» товуши 13, «Л» товуши 27, «Қ» товуши 38 марта қўллангани аниқланган.

Шоир СобитFaфуров ҳам топишмоқ ва тез айтишлар болаларнинг ақлини пешлаб, тилларини бурро қилишда муносиб кўмакчи бўлишини инобатга олиб, кичкинтойларга бағишлиб шу жанрдаги асарларни яратган⁴. Хусусан, шоир Набижон Эрмат ўнлаб тез айтиш ва топишмоқ китоблари билан янада шухрат қозонган. У ўзининг юзта тез айтишини ўзбек алифбосидаги барча ҳарфлар асосида яратган. Масалан: «Асал аммам аzonда Аслиддинни аллалаб алла айтди», «Буви бувага бугундан бошлаб бузоқ боқиши буюрди», «Ваққоснинг виз-визаги виз-визлаб визиллади», «Гулшоданинг гулзоридаги гулларнинг гулғунчаси гуркираб гуллади», «Дадаматнинг дехқончилик даромади Давронбекнинг дехқончилик даромадидан дурустроқ», «Етти-етти, етмиш етти, еттимнинг емиши етди», «Ёркентлик Ёвқоч ёшлигидан, ёлғиз ёвғоншўрвани ёқтиради», «Жиккак жиблажибон жийдазордаги жонсарак жажжи жўжаларга жик-жикларди», «Зафар Зарифнинг зардали Зарбасини заруратдан зўрга заифлаштириди», «Ишибилармон ишбайчи истар-истамас ишшайиб ишларди», «Йилқибоқар Йигиталининг йилқилари Йўлдошли ийлқиларидан йироқлашмоқда», «Кўкламда кўкарган кўм-кўк кўкатлар кеч кузгача кўркамлигини кўрсатди», «Лалмизордаги лоларанг лолақизғалдоқлар лолалардек лов-ловланарди», «Манзурунинг маҳорат мавзусидаги манзумаси мазмунли», «Низомjon найзабозлика намунали натижани нишонлади», «Обиддин олмазорларини обдон ободонлаштириб обрў олди», «Пирназар пучукнинг пўписали писандасини Пирнафас пучук пайқамади», «Рассомнинг рангтасвиридаги расмлари росмана рангли расмлардир», «Саккиз сада салқинида саксон саккиз сулув саман салқинламоқда», «Тоштемир тоштарош тошлоқдаги тошлар тўдасидан тарошланган тош топди», «Устоз Улуғмурод устанинг усули устахонадаги устанинг усулидан устунроқ», «Фахрий фахрийлар фаровонликдан фахрланиб фарогатландилар», «Холмўминнинг хоҳишини Холхўжа хоҳламади», «Чустлик Чори, Чақчамлик Чоридан чанг чолғусини чаққонроқ chalди», «Шавкат шом шабадасида шабнамга шайдо», «Этиқдўз эркатойларнинг этикчаларини эътиrozсиз эпақалаштириди», «Юқ юкловчи юкларни юқори юхонага юклади», «Ямин яловда ялтираган яхга яқинлашди», «Ўтов ўртасида ўтирган ўттиз ўртоқ ўртасидан ўқилон ўтди», «Қизил қўнғиз қўнғиз қароргоҳида қариндошлардек қўноқлади»,

³. Сафаров О. Шеърим – очил дастурхон. Таниқли болалар шоири, Ўзбекистон ҳалқ шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори Куддус Мухаммадий сиймосига чизгилар. – Тошкент: Мусика, 2011. – Б.64.

⁴. Faфуров Собит. Топағон бола: тез айтишлар, хандалар, топишмоқлар. (Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун). – Тошкент: Юлдузча, 1988. – 46 б.



«Ғала-ғовур ғалаён Ғуломни ғамгинлатди», «Ҳазил-хузули ҳамсуҳбат ҳамиша хузурлидир» шулар жумласидандир⁵.

Тез айтиш боладан тақрор-тақрор ўрин алмашиниб келадиган товушлардан иборат сўз ва бирикмалар асосида тузилган матнни тез-тез, аниқ артикуляция билан равон ритмда, нутқ органларини тез ва тўғри ҳаракатлантирган ҳолда талаффуз қилишни талаб қиласди. Бу ўзига хос қийин талаб ва синовдир. Шунинг учун бу каби матнлар «тез айтишлар» номини олган.

Бошида қийин туюлган тез айтишлар бир неча марта тақрорланганидан сўнг тўғри айтила бошланади. Тез айтишда, айниқса, товушларнинг талаффузи тўғри ва аниқ бўлишига аҳамият берилади.

Набижон Эрмат қаламига мансуб тез айтишлар, асосан, ёйиқ содда гап тузилишида яратилган. Улар кўпинча дарак гап шаклида учрайди. Масалан: «Дарбадар дарвешлар дунёнинг дардидан дардлашдилар». Бу тез айтиш матнида «дарвешлар» эга, «гаплашдилар» кесим бўлиб, предикатни ташкил қиласди. «Дарбадар» сифати эга учун сифатловчи аниқловчи вазифасида келган. «Дунёнинг» сўзини ифодалаган от қаратқич келишигини олиб, гапда чиқиш келишигидаги от билан ифодаланиб келган воситали тўлдирувчи «дардидан» сўзига қаратқич аниқловчи бўлган. Шунинг натижасида фикр ёйиқ содда гап кўринишида ифода этилган.

Ижодкор яратган қуйидаги тез айтишлар кўшма гап кўринишидадир: «Жўра жўрга жўр бўлди, жўр Жўрага жўр бўлди», «Илмлиарнинг илмлилиги илмдан, илмсизларнинг илмсизлиги илм истамасликдан». Бу тез айтишлар боғловчисиз боғланган қўшма гап шаклида шакллантирилган.

Набижон Эрматнинг риторик сўроқ гап ёки ундов оҳангли сўроқ гап шаклида яратилган тез айтишлари ҳам бор: «Гадой гарангга гангур-гунгур гапирдими, гаранг гадойга гунгур-гунгур гапирдими?», «Ириллаган ит иргишлайдими, иргишлаган ит ириллайдими?!» каби.

Шунингдек, ижодкор Н.Эрматнинг шеърий кўринишида ҳам тез айтишлари мавжуд:

Нурда дурлар нурландими?

Нурлар дурда нурландими?

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, фольклорга хос тез айтишларда халқнинг донишманлиги, қуйма бадиий сўз санъати ярқ этиб кўзга ташланади. Яна мантиқий фикр ҳам эътиборни тортади. Бундан ташқари тез айтишда иштирок этувчи аллетерапион товуш талаффуз қилишда қийинчилик туғдириб, сўзловчининг тутилишига сабаб бўлади. Яъни, унинг «тутал» деб айтиладиган иккинчи номи ҳам шундан олинган. Масалан, 6 сўздан иборат:

Қишида кишиши пишмасмиш,

Пишса кишиши қишиши пишмасмиш,

⁵. Nabijon Ermat. 100 topishmoq va tez aytishlar. – Toshkent: Turon zamin ziyo, 2016. – B.33-43.



тез айтишида шундай маънавий ўйин моҳияти ойдинлашади. Юкорида санаб ўтилган адабий тез айтишларнинг баъзисида эса шу жанрга хос белгилар стилизацияси кўринмаслигини ҳам кузатиш мумкин. Айтайлик, Н.Эрмат қаламига мансуб тез айтишлар ичida «Ямин яйловда ялтираган яхга яқинлашди», «Зафар Зарифнинг зардали Зарбасини заруратдан зўрға заифлаштириди» кўринишидаги тез айтишлар шу мантиқдан узоқлашган, фақат товуш такроригагина эътибор қаратилгандай туолади. Назаримизда, адабий тез айтишлар ҳам аввало ёш авлодга маънавий ва эстетик завқ ўйғота олсагина кўзланган мақсадга эришилади.

Иккилик кўринишидаги шеърий тез айтиш Зухро Ҳасанова ижодида ҳам учрайди:

Пиёлали эй бола,
Пиёланг гули лола⁶.

Тез айтишларда кишиларга атаб қўйиладиган исмлар, яъни антропонимларга жуда кенг ўрин берилиши уларга хос муҳим белгилардан биридир. Уларда баъзан битта, баъзан иккита, баъзан уюшиқ бўлак кўринишида бир неча антропоним келтирилишига гувоҳ бўлиш мумкин. Бундай хусусият Набижон Эрмат тез айтишларига ҳам хосдир. Шоир тез айтишларини бу жиҳатдан учга ажратиш мумкин:

Бир антропонимли тез айтишлар: *Пастқам пастлик пастида Парниқўзи пўстлоқ парчаларини пачақлади*.

Икки антропонимли тез айтишлар: *Киракаш Карим кўм-кўк кўкатларни Комилжон киракашдан кўра кўп кўтарди*.

Кўп антропонимли тез айтишлар: *Фузулий, Фурқат, Фитрат, Фаробийлар фанда фозил, фақат фонийлар*.

Кишиларнинг касб-корига алоҳида урғу қаратилади. Масалан, «Зариф заргар зардўз Зафарнинг зангор занжирини зулфлади», «Чегачи чойнак четининг чегараларини чегалади» каби тез айтишларда келтирилган заргар, зардўз, чегачи сингари профессонализмлар бу жиҳатдан дикқатни тортади.

Шоир Н.Эрматнинг айрим тез айтишлари шаклан ихчамлиги, мазмунан пурҳикматлиги жиҳатидан мақолларни ёдга солади.«Эр йигит элга эллашур», «Тифнинг тифидан тилнинг тифи тифлироқ», «Хасис хилватда хасисликдан хасталанди», «Ёвнинг ёвқараши, ёлғиз ёвнинг ёвқарашидан ёвуз», «Ғурбатда ғариб ғамгинидир, ғамгинлик ғарибга ғурбатдир» кабилар шулар жумласидан бўлиб, улар аллитерация (бир хил товушлар такори)га асосланиб яратилганлиги учун тез айтишлар деб кўрсатилмоқда.

Шоир тез айтишларининг айрим намуналари бевосита болаларнинг теварак-атроф, мавжудотлар хақидаги билимини кенгайтириш мақсадида яратилганлиги сезилади. «Ўргимчаксимон ўргимчаккан ўрдакбурунлар ўлжасидир» тез айтишини бунга мисол қилиш мумкин.

⁶. Зухро Ҳасанова / <https://saviya.uz/ijod/nazm/topishmoq va tez aytish/>

Бирок, бизнингча, шоир Н.Эрматнинг«нг» ҳамда «ъ» тутук белгиси иштирок этган сўзлар асосида яратган тез айтишларини⁷ шу жаңр талабларига тўлиқ мос тушади, дейиш қийин.

Агар Н.Эрмат тез айтишлари, одатда, бир хил товушлар такрорига асосланиб яратилган бўлса, М.Ҳамидова тез айтишлари орасида шундай намуналардан ташқари, ҳар хил товушлар такрорига асосланганлари кам бўлса-да, учрайди:

Журъат Талъатдан журъатлими?

Талъат Журъатдан талантлими?⁸

Хулоса. Умуман айтганда, болага эстетик завқ бағишилаб, фикрлаш доираси кенгайишига, қобилиятию хотирави, сезгиси ва нутқи ўсишига фойда берадиган тез айтишлар нафақат фольклорда, балки ёзма адабиётда ҳам ўз ўрнига эга. Уларнинг стилизацияси тез айтишларга хос ҳалқона ифода услубини янада бойитмоқда, дейиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Darmon U., Rano R., Dilshod R. The Stylization of P rose Tales in Uzbek C hildren's Literature //R eligac ión. – T. 4. – C. 170-174.
2. R ajabova R. Z. A LITER A R Y R IDDE FR OM A FOLK R IDDE //European Sc ientific C onferenc e. – 2020. – C. 139-141.
3. R ajabova R. Z. EXP R ESSIVENESS OF GENR E C HA R A C TER S INHER ENT IN FOLK R IDDLES IN LITER A R Y R IDDLES //International Engineering Journal For R e-searc h & Development. – 2021. – T. 6. – №. 2. – C. 6-6.
4. R ajabov D. Z. R adif in uzbek folk songs //Theoretic al & A pplied Sc ienc e. – 2018. – №. 10. – C. 316-318.
5. Juraev M., R ajabov D., Imomnazarova S. WEDDING SONG GENR E IN THE C ER E-MONY LYR IC S OF THE C ENTR A L A SIA N TUR KISH P EOP LES //Theoretic al & A pplied Sc ienc e. – 2020. – №. 7. – C. 467-473.
6. Qodirova, R. (2022). НЎЙМОН РАХИМЖОНОВ - ПОЭТИЧЕСКИЙ УЧЕНЫЙ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (bux d u.Uz), 8(8).
- 7.. Qodirova, R. (2021). A B DULLA A R IP O V'S WOR K DUR ING T H E YE A R S O F INDE P E NDE NC E IS INT E R P R ET E D BY NUMA N R A KH IMJA NO V . ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (bux d u.Uz), 7(7).
- 8.Rajabov D. Z. The role of images in the artistic struc ture of uzbek folk songs //Middle European Sc ientific Bulletin. – 2021. – T. 12. – C. 120-128.

⁷. Nabijon Ermat. 99 tez aytishva topishmoqlar. – Toshkent: Muhammadiy, 2019. – B. 10.

⁸. Hamidova Muhabbat. Topishmoqmi yo tez aytish. – Toshkent: O'zbekiston, 2018. – B. 39.